

## Намозни зое қилиш

[Ўзбекча – Uzbek – اُوزبکي ]



Шайх Холид ибн Абдуллоҳ  
Муслиҳ



Мутаржим: Абу Жаъфар Бухорий  
Муҳаррир: Абу Абдуллоҳ Шоший

## إِضَاعَةُ الصَّلَاةِ

[Ўзбекча – Uzbek – ]



الشيخ خالد بن عبد الله المصلح

٤٠٩

ترجمة: أبو جعفر البخاري  
مراجعة: أبو عبد الله الشاشي

## Биринчи хутба

### Бисмиллахир роҳманир роҳийм

(Барча ҳамдлар Аллоҳга ҳосдир... Биз Ундан ёрдам, нафсимизнинг ёмонлиги ва амалларимизнинг шумлигидан паноҳ ҳамда мағфират сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилган одамни адаштирувчи, адаштирган одамни ҳидоятловчи йўқдир. Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Муҳаммад эса Унинг бандаси ва элчиси эканига гувоҳлик бераман.

**«Ҳой мўъминлар, Аллоҳдан лойиқ бўлганидек қўрқинглар ва мусулмон бўлган ҳолингизда вафот этинглар!»** (Оли Имрон: 102).

«Эй инсонлар! Сизларни бир жондан (Одамдан) яратган ва ундан жуфтини вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Роббингиздан қўрқингиз! Яна ораларингиздаги саволжавобларда ўртага номи солинадиган Аллоҳдан қўрқингиз ва қариндош-уругларингиз (билин ажралиб кетишдан қўрқингиз)! Албатта, Аллоҳ устингизда кузатувчи бўлган Зотдир» (Нисо: 1).

**«Эй мўъминлар, Аллоҳдан қўрқинглар, тўғри сўзни сўзланглар! (Шунда Аллоҳ) ишларингизни ўнглар ва гуноҳларингизни мағфират қилас. Ким Аллоҳга ва Унинг пайғамбарига итоат этса, бас у улуғ баҳтга эришибди»** (Аҳзоб: 70 – 71)).

Сўнг ...

(Дўстлар, билингларки, гапларнинг тўғрироғи — Аллоҳнинг каломи, йўлларнинг яхшироғи — Муҳаммад соллаллоҳу алайхи ва салламнинг йўли, ишларнинг

ёмонроғи — янги пайдо бўлганлари, ҳар бир янги пайдо бўлган нарса — бидъат ва барча бидъат — залолатдир).

**«Хой мўъминлар, Аллоҳдан лойиқ бўлганидек қўрқинглар ва мусулмон бўлган ҳолингизда вафот этинглар!»** (Оли Имрон: 102);

**«Барча намозларни ва хусусан ўрта намозни (аср намозини) муҳофаза этинглар — ўз вақтларида адо қилинглар! Ва Аллоҳ учун бўйинсунган ҳолда туринглар!»** (Бакара: 238).

Хой Аллоҳнинг бандалари!

Намоз — диннинг устуни, ишончнинг боғичидир. У — тоат-ибодатларнинг пешонаси ва порлоқ нишонаси ҳамда амалларнинг энг яхшиси. Зотан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ишларнинг боши Ислом, устуни намоз ва чўқиси Аллоҳ йўлидаги жиҳоддир», — дедилар (Имом Аҳмад (21008); Термизий (2541); Ибн Можа (3963). Бу ҳадис, устозимизнинг айтишларича, Маъмар раҳимаҳуллоҳ Осим ибн Абу Наҳуддан, у Абу Воилдан, у Муоз ибн Жабал разияллоҳу анҳудан ривоят қилган).

Хой, мўъминлар!

Аллоҳ таоло сизларни намозни тўқис ва ўз вақтида адо этишга буюрди. Бунга пайгамбарингиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам қуйидаги ҳадислари билан рағбатлантирилар: «Ким беш вақт намозни ўз вақтида ўқиса, бу намозлар Қиёмат куни унга нур, хужжат ва нажот бўлади. Ким бу намозларни ўз вақтида ўқимаса, Қиёмат кунида бу намозлар унга нур, хужжат ва нажот бўлмайди ва у Қорун, Фиръавн, Ҳомон ва Убай ибн Халаф билан бирга бўлади» (Имом Аҳмад (688) ва бошқалар яроқли санад билан нақл қилдилар).

Хой, мўъминлаар!

Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло намозни зое қилганларга гуноҳ, зулм ва шаҳватларга фарқ бўлишни ваъда қилди. Аллоҳ таоло: «**Сўнг уларнинг ортидан намозни зое қиласидиган ва шаҳватларга бериладиган кимсалар ўринбосар бўлдилар.** Энди у (ўринбосарлар) албатта ёмонликка (яъни, ёмон жазога) йўлиққадилар» (Марям: 59). Яъни, улар тез кунда алам, изтироб ва қаттиқ азобга дуч келадилар.

Аллоҳнинг бандалари, намозни зое қилиш катта гуноҳлардандир. Аллоҳ таоло айтди: «**Бас, намозларини «унутиб» қўядиган кимсалар бўлган «намозхон»ларга ҳалокат бўлгай ...**» (Моъувн: 4, 5).

Хой мўъминлар, намозни зое қилишнинг сон-саноқсиз шакллари бўлиб, уни бутунлай ўқимаслик, Аллоҳ сақласин, энг катта гуноҳ ва унинг оқибати таҳликалидир!

Хой мўъминлар, намозни ўқимаслик – Буюк Аллоҳга коғирлик, диндан ва барча Оламлар Робби бўлган Аллоҳга сифинишдан воз кечиш, демакдир! Улуғ Аллоҳга қасамки, банданинг ўзини яратган, хилқатини тўқис қилган ва барча неъматларни ато этган Хожасига бўлган алоқасини узиши, оғир мусибат ва катта ҳалокатдир. Намозни тарқ этиши ва уни вактида ўқимаслик қалбida заррача иймони бўлган одам тарафидан эмас, балки, шайтон ин қуриб учрган ва у билан Аллоҳнинг зикри ва шукри ўртасини тўсган қалб соҳибидангина содир бўлиши мумкин. Аллоҳ таоло айтди: «**Уларни шайтон эгаллаб олиб, уларга Аллоҳни эслашни унуттируди**» (Мужодала: 19).

Хой мўъминлар, бу — намозни тарқ этган ёки ундан воз кечган одамнинг ҳоли экан, ўз майли билан гапирмайдиган зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам, шундай дейдилар: «Одам билан куфр ўртасидаги фарқ намозни тарқ этишдир» (Имом Муслим ривояти (82). Аъмаш раҳима-

хүллох Абу Сүфёндан ривоят қилди: Мен Жобир ибн Абдуллоҳ (разияллоҳу анху)дан эшиздим).

Имом Аҳмад раҳимаҳуллоҳнинг ривоятида эса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: «Биз билан у (кофир ва мушриқ)лар ўртасидаги аҳд (фарқ) намоз (ўқишида)дир. Ким уни тарк қилса кофир бўлибди!» (Имом Аҳмад (22428); Термизий (2621); Насой (463); Ибн Можа (1079). Ҳусайн ибн Вокид (раҳимаҳуллоҳ) Абдуллоҳ ибн Бурайдадан, у отасидан ривоят қилди. Бу ҳадис, саҳиҳдир).

Энг яхши аср, пайғамбарлардан кейинги энг афзал бандалар — Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари, намоз ўқимаган одамнинг кофир эканига ижмъ-қарор қилганлар. Абдуллоҳ ибн Шақиқ шундай дейди: «Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари амаллар ичидан намоздан бошқа бирон нарсани тарк қилишни куфр деб ҳисоблашмас эди» (Термизийнинг санади, соғлом ривоят).

Аллоҳ илҳом берган Умар разияллоҳу анху: «Намоз ўқимаган одамнинг мусулмончилиги йўқдир», — деди.

Алий разияллоҳу анху: «Намоз ўқимаган одам — кофир бўлибди», — деди.

Хой Аллоҳнинг бандалари, намозни тарк қилган одамнинг кофир бўлиши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дарак берган, саҳоба разияллоҳу анхумлар қарор қилган ҳукм ва Аллоҳ таоло жаҳаннамга киришига сабаб қилган ишдир! Аллоҳ таоло жаҳаннамга кириш ва солих инсонлар сафидан чиқиш сабабларини баён қилас экан шундай дейди: «(Улар дўзах аҳлига): «Сизларни нима Сақарга киритди?» (деганларида,) Улар айтарлар: «Бизлар намоз ўқигувчилардан бўлмадик. Мискин-бечорага таом бергувчи ҳам бўлмадик. Бизлар (ботилибехуда сўзларга) шўнғигувчи кимсалар билан бирга

**шўнгир эдик (яъни, Қуръон ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хусусида туҳмат-ёлғонлар тўқир эдик). То бизларга аниқ (ўлим) келгунича бизлар Жазо — Қиёмат Қунини ёлғон дер эдик»» (Муддассир: 42 – 47).**

Уларни тўрт сифат нажот топганлар сафидан чиқариб, ҳалок бўлганлар қаторига қўшди: намоз ўқимаслик, бечораларга таом едирмаслик, ботил нарсаларни вайсаш ва Охиратни инкор этиш.

Дўстлар, битта намозни тарк этиш учун ҳам қаттиқ жазолар айтилди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аср намозини ўқимаган одамнинг, амаллари бекор бўлади!» — дедилар (Имом Бухорий (553, 594). Яхё ибн Абу Касир раҳимахуллоҳ Абу Мулайҳдан, у Бурайдадан ривоят қилди. Бу хадисни Имом Муслим ривоят қилмади).

Шундай экан, бир намоз ортидан иккинчисини ўқимаган одам, амалларининг бекор бўлиши ва зиён кўришига лойиқ эмасми?

Хой мўъминлар, намозни вақтидан кечиктириш ҳам, уни зое қилишдан ҳисобланади! Чунки, Аллоҳ таоло намозларни муайян вақтларда ўқишни фарз қилди: «**Албатта, намоз мўминларга (вақти) тайинланган фарз бўлди**» (Нисо: 103).

Намознинг ўз вақти бўлиб, ўша вақтда ўқилсагина намоз дуруст бўлади. Уни вақтидан илгари ўқиш мумкин бўлмаганидек, вақтидан ҳам кечиктирилмайди. Намоз вақтларини белгиланганидан илгари ёки кейин ўқишни ҳалол деб ҳисоблаган одам, катта жангни бошлаган бўлади. Аллоҳ таоло айтди: «**Бас, намозларини «унутиб» қўядиган кимсалар бўлган «намозҳон»ларга ҳалокат бўлгайки, улар риёкорлик қиласиган ва рўзгор буюмларини ҳам (кишилардан) манъ қиласиган (яъни, бирон**

**кишига фойдалари тегмайдиган) кимсалардир!»**  
**(Моъювн: 4 – 7).**

Кошки мен намозини ўз вақтидан кечиктирадиган ва уни мудом ўқимайдиган — «унутиб қўядиган» кимсаларнинг ушбу оятнинг қайси маъноларига муносиб эканини билсам?! Улар намозни билмайдиларми ёки залолатларида дарбадармилар? Ёки шайтон уларни эгаллаб, Аллоҳнинг зикрини унуттиридими? Аллоҳнинг бандалари, Аллоҳдан қўрқинглар! Бу намозларни ўз вақтида тўқис адо этинглар! Чунки, намозлар — Исломнинг маёғи, динларнинг чодиридир. Ким намозларни ёдда тутса ва уларни ўз вақтида тўқис адо этса, ўз динини ҳимоя қилган бўлади. Ким намозларни зое қилса, бошқа нарсаларни зое қилиши аниқдир!

Аллоҳнинг бандалари, намознинг фарз ва руқнларини тўқис адо этмаслик — намозни зое қилишнинг бир парчасидир! Чунки, Аллоҳ таоло намозни нуқсонли адо этишни мунофиқлик аломатларидан бири деб хисоблади: «**Албатта, мунофиқлар Аллоҳни алдамоқчи бўладилар. — Ҳолбуки, Аллоҳ уларни «алдаб» қўйгувчидир. — Ва қаҷон намозга турсалар дангасалик билан, хўжакўр-синга турадилар ва Аллоҳни камдан-кам ёдга оладилар**» (Нисо: 142).

Имом Муслимнинг «Сахих»ида Анас ибн Молик разияллоҳу анху ривоят қилган шу ҳадис бор: «Бу — мунофиқнинг намозидир: куёш кўтарилигунича кутиб, шайтоннинг икки шохлари ўртасига келганида ўрнидан туради-да, тўрт марта (товақ чўқиганидек) “чўқийди” ва бу “чўқиши”да Аллоҳни жуда ҳам оз эслайди» (Имом Муслим (622). Абдуссалом ибн Жаъфарнинг Анас разияллоҳу анхудан ривоят силсиласи).

Хой Аллоҳнинг бандалари, бу — намознинг руқн ва фарзларини тўқис қилмаслик мунофиқлик аломати эканига

хужжатдир! Ҳой Аллоҳнинг бандалари, Аллоҳдан қўрқинглар, намозларни ўз вақтида ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқиганидек ўқинглар! Чунки, йўлларнинг энг яхшиси — Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўлидир. Бас, Аллоҳ учун умид, хушуъ, рағбат ва кўркув билан туринглар!

## Иккинчи хутба

(Барча Оламлар Робби бўлган Аллоҳга ҳамдлар, Унинг охирги пайғамбари бўлган Мұхаммад ибн Абдуллоҳга салавоту саломлар бўлсин).

Сўнг ...

Ҳой мўъминлар, Аллоҳдан қўрқинглар ва бу муazzам ибодатнинг қадрини билинглар! Чунки, қалбингиздаги диннинг қадри, шу қалбнинг намозни накадар улуғлаши ва унга нақадар эътибор бериши билан ўлчанади. Бундан ташқари, намознинг Аллоҳ даргоҳида катта ўрни бор. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мудом, ҳатто жон талвасасида ҳам намоз ўқишига васият қилганлар. Анас разияллоҳу анҳу айтди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сўнгги нафасларида: «Намоз(ни ўқинглар) ва қўл остингиздаги (кулларингиз ҳаққини зое қилманглар)!» — дедилар ва кўксидан гарғара келиб, тиллари калимага айланмай қолди».

Имом Аҳмад раҳимаҳуллоҳ айтди: «Бандаларнинг Исломдан бўлган насибаси намоздан олган насибаси қадардир. Исломга бўлган рағбати ҳам, намозга бўлган рағбати қадардир».

Имом Аҳмад раҳимаҳуллоҳ яна шундай деган: «Ҳой Аллоҳнинг бандаси, ўзингни тани! Ўзингда Ислом қадри

бўлмай туриб Аллоҳга дуч келишдан қўрқ! Қалбингдаги Ислом миқдори, қалбингдаги намоз миқдори кабидир».

Хой мўъминлар, бу ибодатнинг ўрнини билиб, уни ўз вақтида рукуъ ва саждаларини тўкис қилиб адо этинглар! Чунки намоз, Аллоҳ таоло: «**Рукуъ қилганлар билан рукуъ қилинглар!**» (Бақара: 430) ояти билан буюрган Ислом шиоридир.

Аллоҳ таоло ҳатто уруш ва жанг майдонларида ҳам намозни тарқ этмасликка буюрди: «(Эй Мұхаммад соллаллоҳу алайхи ва саллам), қачон сиз (жанг майдонида) мўминлар орасида бўлиб, уларга имом бўлган ҳолда намоз ўқимоқчи бўлсангиз, улардан бир тоифаси қуролланган ҳолларида сиз билан намозга турсинлар. Бас, қачон сажда қилишгач (яни, намознинг бир ракаатини ўқиб бўлишгач), орқаларингга бориб, (сизларни қўриқлаб) турсинлар ва ҳали намоз ўқимаган бошқа тоифа келиб сиз билан бирга намоз ўқисинлар. Улар ҳам эҳтиёт чораларини кўриб, қуролланиб олсинлар. Кофирлар сизлар қурол-яроғ ва асбоб-анжомларингиздан ғафлатда бўлган пайтингизда устингизга бирданига ҳамла қилишни истайдилар. Агар ёғингарчиликдан азият чексангизлар ёки бемор бўлсангизлар, қуролларингизни ечиб қўйишингиз гуноҳ эмас. Аммо эҳтиёт чорангизни кўриб қўйинглар. Албатта, Аллоҳ кофирлар учун хор қилгувчи азобни тайёрлаб қўйгандир» (Нисо: 102). Шунинг учун ҳам намоз вакти келгач саҳобаларнинг бир қисми жангни тўхтатиб, Аллоҳдан умид қилиб намозга турар эдилар. (Байт):

Роббиларига марҳаматларини инъом этиши учун қиласларлар дуо.

Хой сиз, муаззиннинг «Ҳайя алас-солааҳ» (Намозга шошилинглар!) ва «Ҳайя алал-фалааҳ» (Нажотга шошилинглар!) деган чақиригини эшитсада хотиржам

турган, бу чакириқ таъсир этмай иши ва кўнгил очишига давом этган ҳамда жамоат намозида иштирок этмаган инсонлар, сизларга нима бўлди?! Бу лоқайд гуноҳкор, Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анхунинг ушу сўзларини эшитмадими?! «Эртага Аллоҳга мусулмон ўлароқ дуч келишни суйган инсон, бу намозларни аzon айтилган жойларда ўз вақтида ўқисин! Агар намозларни, намозга келмаган одамдек уйларингизда ўқисангиз, Пайғамбарингиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг суннатини тарқ этган бўласиз. Пайғамбарингиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг суннатини тарқ этсангиз — адашасиз. (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам) замонида (жамоат) намоз(и)га ҳақиқий мунофиқларгина келмаганини кўрганман».

Хой мўъминлар, Аллоҳдан тақво қилинглар, намозларни вақтида ўқинглар ва қолгувчи солиҳ ишларни кўп қилинглар! Фарзандларингиз ва оиласиздагиларни, Аллоҳ айтганидек, намоз ўқишга буюринглар: **«Аҳли-умматингизни намоз ўқишга буюринг ва ўзингиз ҳам (намоз ўқишида) чидамли бўлинг!»** (Тоҳа: 132).

Аллоҳим, бизни ва зурриётимизни намозни тўқис адо этганлар жумласидан қил! Роббимиз, дуоларимизни қабул айла!

